

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 331.87:658(575.11)

АБДУҒАНИЕВ ДАВРОН ШУХРАТ ЎҒЛИ
КОРХОНАДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

5A230110 – “Демография. Меҳнат иқтисодиёти” мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: доц. Холмуродов С.Э.

Тошкент – 2018

Мазкур магистрлик диссертациясида корхонада меҳнат унумдорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ёритиш, корхонада меҳнат унумдорлигини аниқлаш усулларини тадқиқ этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари бўйича хориж тажрибалари ва уларнинг қўлланилиши ёритилган.

“Тошкентдонмахсулотлари” АЖда меҳнат унумдорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган бозор муносабатлари шароитида меҳнат унумдорлиги даражасини ўзгаришининг ўзига хос хусусиятлари, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар, бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш асосида улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқланган.

This master's thesis defines international experience in terms of labor productivity factors, methods of determining the productivity of an enterprise and increasing labor productivity and its application to labor productivity.

Toshkentdonmahsulotlari JSC reflects the importance of improving the socio-economic conditions in the market specific features of changes in the level of labor productivity, the labor of efficient use of resources based on recommendations for improving labor productivity, market conditions, industry performance through the systematization of factors affecting their effective use.

Магистрлик диссертация иши “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ 4 _____-сонли баённома “14” _____ май 2018 й.

Илмий раҳбар: С. Ғ. Раҳмонов С. Ғ.
(илмий раҳбар ф.и.ш.) имзо сана

Тақризчи: Б. Самиев _____
(тақризчи ф.и.ш.) имзо сана

Магистрант: Д. ш. Абдурашиев Д. ш.
(магистрант ф.и.ш.) имзо сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I Боб. КОРХОНАДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва моҳияти	10
1.2. Корхонада меҳнат унумдорлигини аниқлаш усуллари	17
1.3. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва шарт-шароитлари	24
Биринчи боб бўйича хулоса	29
II Боб. “ТОШКЕНТДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ	31
2.1. “Тошкентдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида меҳнат унумдорлигини ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	31
2.2. “Тошкентдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини меҳнат унумдорлигига таъсири.	38
2.3. “Тошкентдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва имкониятлари таҳлили	42
Иккинчи боб бўйича хулоса	52
III Боб. ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН ҲОЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ШАРОИТИДА КОРХОНАДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	54
3.1. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш механизимини такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари	54
3.2. Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	66
Учинчи боб бўйича хулоса	72
Хулоса ва таклифлар	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	78

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Меҳнат унумдорлиги даражаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бизга маълумки “иқтисодиёт” фани меҳнат унумдорлиги муаммоларини ўрганишни XIX аср охирларидан бошлаб тадқиқ эта бошлаган. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш, уни таҳлил этиш, энг аввало, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш муаммоси билан боғлиқ равишда ўрганилади. Бу кўрсаткичлар тизимини таҳлил этиш алоҳида тармоқ ёки унинг соҳалари бўйича ҳам ўрганиб чиқилиши мумкин.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йил юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши заминидан ҳам меҳнат унумдорлиги тушунчаси ётади. Яъни, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим”¹.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги меҳнат унумдорлигининг ўзгариш динамикасини ўрганиш, шунингдек, унинг етакчи омили бўлган моддий-техникавий омиллар таъсири даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, республикада стратегик аҳамиятга эга соҳаларда бу кўрсаткич

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 22 декабрь.